

«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«PORTLATISHSANOAT» АЖ кузатув  
кенгашининг мажлис қарори  
баённома №100 от 26.06.2022й.



**“PORTLATISHSANOAT” АЖ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТАЙИНЛОВЛАР ВА МУКОФОТЛАШ ҚҮМИТАСИ  
ТҮҒРИСИДА НИЗОМ**

## I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мұхитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармөнига, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартағи 166-сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясига, «PORTLATISHSANOAT» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга ва бошқа норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият Кузатув кенгаши хузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш кўмитасининг (кейинги ўринларларда – Кўмита) хукукий мақомини, таркибини, ваколатларини ва унинг ишлаш тартибини белгилайди.

1.2. Кўмита энг мұхим масалаларни кўриб чиқиши ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига кадрлар ва мукофотлаш соҳасида тавсиялар тайёрлаш учун Жамият Кузатув кенгашининг қарори асосида ташкил этилади. Кўмита Жамият Кузатув кенгашининг доимий фаолият юритувчи ишчи органи ҳисобланади.

1.3. Кўмита ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, Жамият устави, Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.

## II. Тайинловлар ва мукофотлаш кўмитасининг таркиби

акциядорлик жамиятнинг Кузатув кенгашиниң аъзоларидан ўз кишидан  
2.1. Кўмита фракат Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан ўз кишидан  
иборат таркибда ташкил этилади. Кўмита таркибига камида бир нафар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси киритилиши шарт.

2.2. Кўмитанинг аъзолари Жамият Кузатув кенгаши раисининг тавсияси асосида Кузатув кенгаши аъзоларидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Кўмитанинг раиси Кўмита аъзолари орасидан Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Кўмитанинг раиси Жамият Кузатув кенгашининг раиси бўлмаслиги лозим.

2.3. Кўмитанинг таркибига сайланган Кузатув кенгаши аъзолари чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

2.4. Кўмита аъзоларини сайлаш вақтида ўз ваколатларидан тўлақонли фойдаланишлари учун уларнинг маълумоти, касбий маҳорати, кўмита фаолияти соҳасидаги иш тажрибаси ва бошқа маҳсус билимга эга эканликлари инобатга олиниши зарур.

2.5. Кўмитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Кўмита раиси томонидан амалга оширилади. Кўмита раисининг вақтинчалик йўқлигига раис вазифасини бажариб туриш аъзолардан бирига юклатилиши мумкин.

2.6. Кўмита аъзолари ўртасидаги функциялар тақсимланиши Кўмитанинг раиси томонидан амалга оширилади.

### **III. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитасининг асосий вазифалари**

#### **3.1. Қўмитанинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:**

Кузатув кенгаши ҳамда Жамиятнинг кадрлар сиёсати ва ташкилий ривожланиши бўйича қарорлари, шунингдек ички хужжатлари ижросини назорат қилиш;

Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзолари лавозимларига номзодлар бўйича Кузатув кенгашига тавсияларни шакллантириш;

Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланадиган номзодлар бўйича тавсияларни шакллантириш;

Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш, шу жумладан, улар билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш масалаларини кўриб чиқиш;

Қўмитага маълум бўлган барча ахборотлар асосида Жамиятнинг Кузатув кенгашига номзоди кўрсатилган шахсларнинг касбий малакаси ва мустақиллигини таҳлил қилиш;

Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари иши тартиботларини такомиллаштиришга нисбатан тавсиялар ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси лавозимига номзодлар бўйича Кузатув кенгашига тавсияларни шакллантириш;

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини ва Кузатув кенгаши қўмиталарини ўзини-ўзи баҳолаш ёки ташки баҳолаш бўйича ҳар йили расмийлаштирилган тартиботни ўtkазиш, Жамиятнинг йиллик ҳисботига киритиш учун ўзини-ўзи баҳолаш ёки ташки баҳоланиш натижалари тўғрисида ҳисбот тайёрлаш;

Кузатув кенгаши аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кенгашнинг айрим аъзолари учун ўқитиш ва малака ошириш дастурларини шакллантириш ҳамда ушбу дастурларнинг амалга оширилиш устидан назорат қилиш;

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, ижроия органи раҳбари ва аъзолари ҳамда бошқа мансабдор шахсларини мукофотлаш сиёсатини ишлаб чиқиш, зарурат бўлганда, уни қайта кўриб чиқиш ва унга ўзгартиришлар киритиш;

Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзоларини, Кузатув кенгаши аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларини мукофотлаш бўйича таклифлар (тавсиялар)ни шакллантириш;

Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ва аъзоларини ҳамда бошқа мансабдор шахсларининг фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига хақ ва (ёки) компенсация тўлаш бўйича қарор қабул қилиш учун Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибига масалаларни тайёрлаш ва киритиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш учун олдиндан кўриб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш;

мукофотлаш сиёсатида назарда тутилган мезонлардан келиб чиқиб Жамиятнинг ижроия органи ва бошқа раҳбар ходимларининг йил натижаларига кўра фаолиятини дастлабки баҳолаш;

йил натижалари бўйича корпоратив маслаҳатчи фаолиятини дастлабки баҳолаш ва корпоратив маслаҳатчини мукофотлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиши;

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, ижроия органи раҳбари ва аъзолари ва бошқа мансабдор шахсларни мукофотлаш тўғрисидаги ахборотнинг ўз вақтида ошкор қилиниши устидан назорат олиб бориш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа хужжатларига киритиш учун Кўмита фаолияти натижалари тўғрисида ҳисбот тайёрлаш ва тақдим этиши;

Кузатув кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш.

#### **IV. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси мажлисларини ташкил этиши ва ўтказиш тартиби**

4.1. Кўмитанинг мажлиси Кўмита раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кўмитанинг аъзоларининг талабига кўра, шунингдек, Жамият ижроия органи раҳбарининг ёзма талабига кўра чақирилади.

4.2. Кўмита ҳар чорак якунига кўра, зарур бўлганда ҳар ойда, кўмита аъзоларининг шахсан иштирокида ёки бошқа алоқа тармоқларидан фойдаланиш йўли билан ўз мажлисларини ўтказиб туриши лозим. Кўмита Жамиятнинг ижроия органи ва бошқа шахсларни Кўмита мажлисларига қатнашиш учун таклиф қилиши, шунингдек зарур бўлганда улардан ахборот талаб қилиши мумкин.

4.3. Кўмита аъзолари муайян масаланинг кечиктирилмай ҳал этилишини талаб қиласиган қоидабузилишлар аниқланган тақдирда Кўмитанинг шошилинч мажлисини чакирилишини талаб қилишлари мумкин.

4.4. Кўмита ўз мажлисларини Жамият Кузатув кенгаши мажлисларидан олдин ўтказади.

4.5. Кўмитанинг раиси Кўмита мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда олиб чиқилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратади. Кўмитанинг аъзолари Кўмита мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вакт ажратишлари лозим.

4.6. Кўмита мажлисида унинг аъзоларининг энг камида 2/3 қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда Кўмита раиси иштирок этиши шарт.

4.7. Кўмитанинг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.8. Кўмитанинг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар teng келган тақдирда, Кўмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Кўмитанинг қарорига розилик билдирамаган Кўмита аъзоси ўзининг мажбурий тартибда мажлис баённомасига илова қилинадиган алоҳида фикрини қайд этиб кўйиш ва уни Кузатув кенгаши эътиборига ҳавола қилиш хуқуқига эга.

4.9. Кўмитанинг қарори Кўмита мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома Кўмита котиби томонидан юритилади ва овоз беришда иштирок этган Кўмита аъзолари томонидан имзоланади.

4.10. Қўмита мажлисларига котиблиқ қилиш вазифасини Жамиятнинг кадрлар бўйича хизматининг раҳбари бажаради.

4.11. Қўмитанинг раиси:

Қўмитанинг ишини ташкил этади;

Қўмита мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;

Қўмита мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади;

Жамият ички меъёрий хужжатлари ва мазкур Низомда назарда тутилган бошқа харакатларни амалга оширади.

4.12. Қўмитанинг котиби:

Қўмита мажлислари баённомаларини юритади ва расмийлаштиради;

Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни тайёрлайди ва тақдим қилади;

Қўмитанинг қарорларини, хулосаларини ва баённомаларини олувчиларгача етказади.

4.13. Қўмита ваколати доирасида қабул қилинган барча қарорлар қабул қилинган кунидан бошлаб, Жамият ижроия органи ва бошқа мансабдор шахслари учун ижро этиш мажбурийдир. Ушбу қарорларда кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар қарорнинг ўз вақтида ҳамда қарор ижросига мос равишда бажарилишига шахсан жавобгардирлар. Қўмита қарорлари ижросини назорат қилиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади.

## **V. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси аъзоларининг ҳуқук ва мажбуриятлари**

5.1. Қўмитанинг аъзоси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамият ижро органи аъзоларининг ва Жамиятнинг бошқа мансабдор шахсларидан ўз фаолияти учун керакли барча хужжатларни ва материалларни тақдим этишни талаб қилиш;

агар Жамиятга жиддий моддий зарар етказилишига олиб келган ёки етказилишига олиб келиши мумкин бўлган қоидабузилишлар аниқланса, ижроия органи мажлиси чакирилишини талаб қилиш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари ходимлари, шу жумладан раҳбарларидан кўриб чиқилаётган масалалар бўйича изоҳлар талаб қилиш;

айборд ҳодимларни интизомий, мулкий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;

Жамиятнинг дастлабки бухгалтерия, молия ва бошқа хужжатларидан фойдаланиш;

Қўмита ваколатлари доирасидаги қарор ва топширикларни бажариш, Қўмита мажлисларида иштирок этиш мақсадида зарур бўлган ҳолатларда Қўмита раиси қарори билан Жамиятнинг раҳбар шахсларини, Жамият Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини даврий ёки мунтазам равишда таклиф этиш;

Қўмита фикрига кўра масалани чукурроқ ўрганилишига зарур бўлса, Қўмита ваколатларига тегишли бўлган масала бўйича ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталарининг фикрини талаб қилиб олиш;

Қўмита мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш, кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Қўмита мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериш;

тақдим этилган хужжатлар асосида тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш ва Жамият Кузатув кенгаши муҳокамасига киритиш;

Қўмита мажлиси кун тартибиға киритиш учун масалалар таклиф қилиш.

#### 5.2. Қўмита аъзоларининг мажбуриятлари:

мукофотлаш сиёсатини тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига киритиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Низом, корхона Устави ва ички хужжатлари асосида ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда ўз фаолиятини сидқидилдан олиб бориш;

Жамият акциядорларининг хукуклари, манфаатлари ва қизиқишиларини ҳимоя қилиш принциплари асосида фаолият юргизиш;

Жамиятнинг тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик ҳамда маҳфийлик талабларини бажариш.

5.3. Қўмитанинг аъзолари Қўмита мажлисида шахсан қатнашишлари шарт. Агар мажлисда қатнашиш имконияти мавжуд бўлmasa, Қўмита аъзоси сабабларини кўрсатган холда Қўмитани бу ҳақда хабардор қиласdi.

## VI. Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги

6.1. Қўмитанинг аъзолари ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

6.2. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Қўмитанинг аъзолари жавобгар бўлмайди.

## VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.

7.2. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар Жамият Кузатув кенгаши раиси ва Қўмита аъзолари томонидан киритилиши мумкин.